КПСС XXII съезди шарафига

МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 218 (11.967)

Шанба, 16 сентябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

ҲАММА—ТЕРИМГА!

Пахта фронтида энг долзарб пайт келди. Ҳамма ерда пахта чамандек очилди. Уни тезу-тоза териб олиш, мамлакатга 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришдек юксак мажбуриятни тезроқ бажариш—республикамиз меҳнаткашларининг ватанпарварлик, интернационал бурчидир.

Шу кеча-кундузда пахта теримидан нўра муҳимроқ вазифа йўқ. Буни яхши тушунган сурхондарёликлар, андижонликлар маррага биринчи бўлиб етиб келиш учун астойдил интилмоқдалар. Хоразмликлар ҳам бир ғайрат қилиб суръатни анча оширдилар. Энди Қорақалпоғистон АССР, Бухоро ва Тошкент областларининг пахтакорларига отни қамчилаш навбати келди.

Бугун ҳамманинг ўрни — далада. Каттами-кичикми, ёшми-қарими — ҳар бир меҳнаткаш хирмонга ўз баранали ҳиссасини қўшиши керак. Жонажон партиямизнинг тарихий XXII съезди очиладиган кунгача планни бажариш учун кураш — ҳар бир звено, ҳар бир бригада, ҳар бир колхоз, совхоз ва районнинг муқаддас бурчидир.

Чеварлигимизни, билагимиздаги кучимизни, чинакам пахтакорлигимизни, номус-ориимизни, шон-шарафимизни пахтазорда кундан-кунга кўпроқ «оқ олтин» териб, давлатга топшириш билан кўрсатайлик. Ғанимат соатлар ва минутлардан тўла фойдаланиб, терим суръатини тобора тезлаштирайлик. Бутун куч ва воситаларни пешона тери билан етиштирилган ҳосилни тезроқ териб олишга сафарбар қилайлик.

ҲАММА — ТЕРИМГА!

—КПСС XXII съезди шарафига камида 200 тонна пахта тераман, — дейди Тошкент область Комсомол районидаги «Гулистон» совхозининг 3-бўлимида ишловчи механик-ҳайдовчи Жумабой Қувондиқов. — Машина — инсоннинг дўсти. Унинг «тили»ни билсанг техника айтганингни қилади, қанча истасанг шунча пахта теради.

Моҳир механизатор комсомол йигит сўзини давом эттириб деди:

— Бутун халқимиз жонажон партиямизнинг съездига муносиб тўёна ҳозирлаяпти. Мен республикамиз Ватанга етказиб берадиган 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин»га муносиб ҳисса қўшаман.

Жумабой Қувондиқов машина теримига тушди. У ҳар куни хирмонга бир неча бункер пахта тўкмоқда СУРАТДА: Жумабой Қувондиқов машинада терилган дастлабки пахтани қоп-қанорсиз ташиладиган прицепга ағдармоқда.

Г. Графкин фотоси.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР да пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 15 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

ОБЛАСТЛАР	Пахта тайёрлаш (планга нисбатан процент ҳисобида)		пахтани қоп-қанорсиз ташиш (мажбурият нисбатан процент ҳисобида)	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери		Мавсум бошидан бери
Сурхондарё	1,42	18,35		8,54
Андижон	1,60	17,34		11,25
Фарғона	1,35	14,06		4,16
Хоразм	1,66	12,27		2,49
Самарқанд	1,33	11,78		5,08
Тошкент	1,12	10,80		5,60
Бухоро	1,46	10,61		3,04
Қорақалпоғистон АССР	1,25	9,70		2,30

ЧОРВА ҚИШЛОВИ— КАТТА СИНОВ

Бутун Совет халқи каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчилик, маъмурчилик яратиш учун курашиб, деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотларини тобора кўпроқ етиштирмоқдалар. Илғор колхозлар ва совхозлар прогрессив усулларни кенг қўлланиб, бой тажрибалардан тўла фойдаланиб, чорва сонини тобора оширмоқдалар, мамлакатга йил сайин кўп миқдорда гўшт, сут, ёғ, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқдалар.

Чорвадорларимиз қўлга киритаётган катта муваффақиятлар чорва моллар меҳр билан парвариш қилинса, чорвачиликни тез ривожлантириш, маҳсулдорлигини тобора ошириб бориш мумкин эканлигини кўрсатиб турибди. Бунинг учун чорвачиликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш, чорва ходимларига, айниқса чўпонларга ғамхўрликни кун сайин кучайтириш талаб этилади.

Қиш яқинлашяпти. Шунга қарамай республикамизда чорва қишловига ҳозирлик ҳар йилдагидан ҳам суст бормоқда. Айрим жойларда ем-хашак базасини мустаҳкамлашга яхши эътибор берилмаяпти, ем-хашак жамғариш кечиктириб юборилмоқда.

Республика колхоз ва совхозларида 10 сентябргача 1587.5 минг тонна дағал хашак тайёрланиб, йиллик план бор-йўғи 35.3 процент бажарилди. Ҳолбуки ўтган йилнинг шу вақтигача бундан икки баравардан ҳам кўпроқ хашак ғарам қилиб қўйилган эди. Қорақалпоғистон АССРда йиллик планнинг 22.5 проценти, Фарғона областида 29.9 проценти, Хоразм областида 31.9 проценти, Сурхондарё областида эса 35.5 проценти миқдорида хашак тайёрланди, холос. Асосий чорвадор Бухоро ва Самарқанд областларида силос бостириш, айниқса оркага сурилмоқда.

Ем-хашак жамғариш — чорва қишловига тайёргарликда энг зарур ишлардан биридир. Ўтган йиллардаги тажрибалардан маълумки, ем-хашак етарли бўлган жойларда қиш шароитида тез-тез бўлиб турадиган қийинчиликларни мардонавор енгиш мумкин. Аксинча хашак етишмаслиги орқасида моллар турли касалликларга чалинади ва кўплаб нобуд бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун пичанзорлардаги дағал хашакни шу кунларда ўриб олиш, ширали озуқаларни кўпроқ жамғариш, шу мақсадда маккажўхори ва оқжўхори поясидан етарли миқдорда силос бостириш керак.

Хашак тайёрлаш бригадалари ишини тўғри ташкил этиш —мўл озуқа жамғаришнинг гаровидир. Бундай бригадаларни тайратли колхозчилар, совхозларнинг ишчилари билан мустаҳкамлаш, уларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шарт-шароитни яратиб бериш, ўт ўрадиган, йиғадиган, силос қирқадиган машиналардан тўла ва унумли фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, ўрилган хашакни тўғри ғарамлаш ва аниқ ҳисобга олиб бориш лозим. Ем-хашак жамғаришда қўзбўямачилик ва жамоатчиликни алдашга, шунингдек хашакнинг талон-торож қилинишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Республикамизда бу йил фақат колхозлардагина 803228 бош мол сигадиган 1478 бино қурилиши лозим. Бундан ташқари кўпгина эски қўралар, молхоналар кенгайтирилиши, ремонт қилиниши, чорвадорлар учун уйлар қуриб берилиши керак.

Вақт ўтиб боряпти. Лекин чорва бинолари қуриш, эскиларини кенгайтириш ва ремонт қилиш ишлари жуда секинлик билан олиб борилмоқда. Республика колхозларида ҳозиргача 172743 бош мол сигадиган 306 та бино қурилди, холос. Самарқанд области колхозларида янгидан қурилиши лозим бўлган 60 та молхонадан эндигина 21 таси, 28 та бузоқхонадан 8 таси, 58 та чўчқахонадан 20 таси, 61 та қўрадан бор-йўғи 10 таси битказилди. Сурхондарё, Бухоро, Фарғона ва Тошкент областларида ҳам чорва бинолари қурилиши кучайтириб юборилган эмас.

Бундай суст кашлигининг сабаби шуки, кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ўтган чорва қишлоқларида биноларнинг етишмаганлигидан, ва ҳатто шу сабабли моллар нинг кўплаб нобуд бўлганлигидан тегишли хулоса чиқариб олмаганлар. Бундай жойларда ремонт ва қурилиш ишларига етарли ишчи кучи ажратилмаётир, давлат томонидан қурилиш материаллари берилишини кутиб, маҳаллий материаллардан фойдаланилмаяпти.

Чорва бинолари қуришга бефарқ ва бепарво қараш ҳолларига сира тоқат қилиб бўлмайди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари янги бино қурилишини, эски биноларни ремонт қилишни ва кенгайтиришни қисқа вақт ичида тугаллаш учун шу кунларда шошилинч чораларни кўришлари лозим.

Моллариннг тўқ ва иссиқ қишловини таъминлаш маҳаллий партия, совет ташкилотларининг ҳам энг муҳим вазифасидир. Район партия ва совет ташкилотлари чорва қишловига тайёргарликка пухта раҳбарлик қилганларигагина иш кўнгилдагидек боради. Шунга кўра район, область партия ва совет ташкилотлари тайёргарлик ишларини ўз кўлларига олишлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари, пахтакор хўжаликларда бу ишнинг йиғим-терим билан чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлашлари зарур.

Чорвачиликнинг келгусидаги ривожи молларнинг қишлаш семиз ва соғлом чиқишига боғлиқдир. Чорва қишлови — ҳар бир чорвадор учун, ҳар бир колхоз ва совхоз раҳбари учун, ҳар бир партия ташкилоти ва ҳар бир коммунист учун жиддий синовдир.

Бутун совет халқи КПСС нинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда. Чорва қишловини тўла шайланиб кутиб олиш — чорвадорларимизнинг съездга муносиб совғаси бўлади.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ

Коммунист Деҳқонбой Ҳасанов бу йил мавсумда 15 тонна пахта теришга ваъда бериб, енг шимариб майдонга тушди. Бу илғор теримчи кунига 280 килограммдан ошириб пахта териб, бошқаларга намуна бўлаётир. Муборак Каримова, Иноят Исмоилова, Маъмура Азизова, Шарофат Ғаниева каби теримчилар ҳам ундан ибрат олиб, кунига 140-180 килограммдан пахта теришмоқда.

Наманган районидаги «Победа» колхозининг коммунист ўртоқ Эргаш Худойбердиев бошлиқ бригадасида теримчилар КПСС нинг навбатдаги XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, ана шундай зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

И. НАРЗУЛЛАЕВ.
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз бўлими ходими.

ГРАФИК ОШИРИБ БАЖАРИЛМОҚДА

РОМИТАН, («Қизил Узбекистон» мухбири). «Москва» колхози пахта териш ва топширишда Ромитан районидаги ҳамма колхозлардан олдинда бораётир. Қишлоқ хўжалик артели йиллик планнинг ҳозирданоқ тўртдан бир қисмини бажариб қўйди. Тўра Жўраев, Саид Солиев ва Маҳмуд Боқаев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар куни 2-2,5 процентдан пахта териб топширмоқда.

Шўрҳок ерларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган ўртоқ Жўраев бошлиқ бригада аъзолари кейинги беш кунлик графикни анча ошириб бажардилар—10 ўринга 12,1 процент миқдорида биринчи сорт пахта топширдилар. Бу бригадада ҳар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда 110 килограммга етказиб пахта тераётир. Колхозчилар КПСС XXII съездини йиллик планни 120 процент бажариш билан кутиб олиш учун ғайрат билан ишламоқда.

БАРГНИ ТЎКТИРИШ — МУҲИМ ИШ

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида ғўза баргини сунъий тўктиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 15 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Топшириқнинг бажарилиши
Тошкент	25,1
Самарқанд	23.1
Сурхондарё	20.0
Қорақалпоғистон АССР	14.2
Хоразм	9,1
Андижон	5.5
Бухоро	2.8
Фарғона	0.9

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ ЛУБКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ЯНГИБОЗОР(Тошкент области), 15 сентябрь. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози бугун мамлакатга 16.717 тонна каноп топшириб, шу қимматли маҳсулотни сотиш юзасидан давлат планини 100,3 процент бажарди. Ҳосил йиғиштириб олинган майдоннинг ҳар гектаридан колхоз бўйича ўрта ҳисобда 228 центнердан кўк каноп пояси олинди.

С. Пак, П. Тен, С. Квон бошлиқ илғор бригадалар ҳар гектаридан 235-240 центнердан каноп пояси йиғиштириб олдилар.

Колхоз лубкорлари КПСС XXII съезди шарафига 10 октябргача Ватанга 24.500 тонна кўк каноп пояси топшириб, социалистик мажбуриятни бажаришга қарор қилдилар.

ТАССНИНГ АХБОРОТИ

Янги, тағин ҳам кучли кўп босқичли учирувчи ракета тайинланган вақтнинг худди ўзида, шу йил 13 сентябрда Тинч океаннинг марказий қисмига 12 минг километрдан узоқроқ масофадаги районга муваффақиятли равишда учирилди.

Ракета олдиндан белгилаб қўйилган программага мувофиқ учиб борди ва унинг ҳамма босқичлари худди шу программада кўрсатилгандек ишлади.

Учирувчи ракета охирги босқичининг макети мўлжалланган нуқтадан сал кам бир километр нарироқдаги сув юзасига бориб тушди, бу билан ракетани бошқариш системаси юксак даражада аниқ ишлаганлиги исботланди. Ракетанинг охирги босқичидан олдинги босқич ўз вазифасини бажариб, атмосферанинг қалин қатламлари орасига кириб, йўқ бўлиб кетди.

Космик объектларни учирувчи кўп босқичли ракеталарни учириш ТАСС нинг 1961 йил 11 сентябрдаги ахборотида эълон қилинган районда давом эттирила беради.

Фан ва олий мактаб ходимлари республика активининг йиғилиши

Фан ва олий мактаб ходимлари республика активининг йиғилиши 15 сентябрда Тошкентда ўз ишини тамомлади. Йиғилиш Ўзбекистонда фанни тараққий эттириш йўлларини ва халқ хўжалиги ҳамда маданият учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилди.

Охирги мажлисда доклад юзасидан музокараларда Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори И. Г. Анисимкин, Нукус педагогика институтининг ректори С. К. Камолов, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг профессори А. Н. Автономов, Қўқон педагогика институтининг ректори И. Р. Расулев, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари В. Е. Еременко, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. Аҳмедова, Тошкент политехника институтининг ректори М. И. Ниёзов, Бухоро педагогика институти партия ташкилотининг секретари Я. К. Кизбоев сўзладилар.

Йиғилишда СССР олий ва махсус ўрта таълим министри В. П. Елютин катта нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева сўзга чиқди.

Йиғилиш иштирокчилари Совет Иттифоқи Коммунистлари партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга якдиллик билан табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

О. ДОРТИКОС СТАЛИНГРАДГА КЕЛДИ

СТАЛИНГРАД, 14 сентябрь. (ТАСС). Куба Республикасининг Президенти Освальдо Дортикос Торрадо ва унинг ҳамроҳлари бугун Сталинградга келди. Азиз меҳмонларни Сталинград область Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Чмутов, Сталинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. В. Динкин, КПСС Сталинград обкомининг секретари, РСФСР Олий Советининг депутати Л. С. Куличенко, СССР Олий Советининг депутати машҳур винокор В. С. Сичугов, қаҳрамон шаҳар жамоат ташкилотларининг, меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олдилар.

Аэродромда фахрий қоровул сафтортиб турди. Ҳамза Куба Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

А. В. Динкин ва Освальдо Дортикос нутқ сўзладилар.

ТАБРИКЛАР УЧУН ТАШАККУР

Руминия Халқ Республикасининг раҳбарлари Георге Георгиу-Деж ва Ион Георге Маурер Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқларга телеграмма юбориб, Руминиянинг фашистлар асоратидан озод қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан юборган қизғин табриклари ва қардошлик истаклари учун ташаккур билдирдилар.

Руминия Халқ Республикасининг раҳбарлари иккала мамлакат ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини қайд қилиб, Совет Иттифоқи халқларининг олиб бораётган олижаноб курашига ҳамда коммунизм ва тинчликнинг тантанаси учун қилаётган меҳнатларига янги ва катта ғалабалар тиладилар. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ ТУНИС ЭЛЧИСИ АҲМАД МЕСТИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 14 сентябрда Тунис Республикасининг элчиси Аҳмад Местирини илтимосига биноан қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида элчи Н. С. Хрушчевга Тунис Республикасининг президенти Ҳ. Бургибанинг шахсий мактубини топширди.

Н. С. ХРУШЧЕВ МАЛИ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ССРДАГИ ЭЛЧИСИ М. Ф. КЕЙТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев 14 сентябрда Мали Республикасининг ССРДаги элчиси Мамаду Фадиал Кейтани илтимосига биноан қабул қилди.

Элчи Н. С. Хрушчевга Мали Республикаси ҳукуматининг раиси Модибо Кейтанинг шахсий мактубини топширди. Н. С. Хрушчев билан М. Ф. Кейта ўртасида дўстона суҳбат бўлди. Бу суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги биринчи Африка бўлимининг мудири А. А. Шведов ҳозир бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ГВИНЕЯ ЭЛЧИСИ СОРИ КАБАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 14 сентябрда Гвинея Республикасининг элчиси Сори Кабани илтимосига биноан қабул қилиб у билан дўстона суҳбатлашди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги иккинчи Африка бўлимининг мудири В. А. Брикин ҳозир бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ЯПОНИЯНИНГ ССРДАГИ ЭЛЧИСИ Х. ЯМАДАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 14 сентябрда Японияниг ССРДаги элчиси Х. Ямадани илтимосига биноан қабул қилиб, у билан суҳбатлашди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги Узоқ Шарқ бўлими мудирининг ўринбосари К. А. Крутиков ҳозир бўлди.

ССР Иттифоқи Мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1961 йил 14 сентябрь 217 Москва шаҳри

ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ВА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДАН БЎШАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунга ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўтаган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналарни запасга бўшатиш муддатини вақтинча кечиктириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. 1942 йилда туғилган, енгиллик олиш ва чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқлари бўлмаган гражданларни, шунингдек ҳарбий хизматга чақириш муддатларини кечиктириш вақти ўтиб кетган ва тенгдошлари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган чақириш ёшларидаги гражданлар Совет Армиясига, Ҳарбий Денгиз Флотига, чегара ва ички қўшинларга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунда белгиланган муддатларда ўтказилсин.

2. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўтаган, мен тасдиқлаган рўйхатдаги қўшилмаларда, қисмларда ва вазифаларда хизмат қилаётган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналарни запасга бўшатиш муддати вақтинча кечиктирилсин.

Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўтаган, рўйхатда номлари кўрсатилмаган қўшилмаларда, қисмларда ва вазифаларда хизмат қилаётган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг сафларидан қонунда белгиланган муддатларда запасга бўшатилсин.

3. Буйруқ ҳамма роталар, батареялар, эскадрильялар ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

СУРАТДА: Қўқондаги Муқимий номли шойи-атлас тўқиш фабрикасининг москваликлар ташаббусига қўшилган илғор тўқувчиси Иноятой Аҳмадалиева. У кўплаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Б. Пўлатов фотоси.

ОММАГА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЯНАДА ЯҚИН БЎЛИШ КЕРАК

(АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

АНДИЖОН (**«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари**). Область партия конференциясининг делегатлари кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишда кенг партиялилар оммасининг фикрини, иродасини ифода этдилар, партиявий ишда, хўжаликка раҳбарлик қилишда, меҳнаткашлар орасида ташкилотчилик ва идеология ишлари олиб боришда тўпланган тажрибаларни умумлаштирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц КПСС Программаси проекти ҳақида, область партия комитетининг секретари А. П. Буреев КПСС Устави проекти ҳақида доклад қилдилар.

Докладчи ва музокараларда қатнашган делегатлар бу ҳужжатларнинг буюк тарихий моҳияти ҳақида, уларда баён қилинган коидалар, илгари сурилган вазифалар партиямиз коллектив фикрининг жуда равшан ифодаси, марксизм-ленинизм таълимотини ижодий ривожлантириш ва бойитишнинг классик намунаси эканлиги тўғрисида, ҳозирги замон жаҳон тараққиёти йўлидаги ҳамма мураккаб масалалар моҳирлик ва донолик билан баён этиб берилгани ҳақида гапирдилар.

Нотиқларнинг сўзларида КПСС янги Программаси ва Устави проектлари ҳамма жойда бўлгани каби Андижон областининг барча шаҳар ва қишлоқларида фабрика ва заводларида, қурилишларида, колхоз ва совхозларида минг-минглаб меҳнаткашлар томонидан бирдамлик билан кутиб олинганлиги мамнуният билан қайд қилдилар.

— Бизнинг партиямиз, — дейди Уйчи район партия комитетининг секретари В. Хайдаров, — тарихда биринчи марта коммунистик жамият қурилишини янги келажакнинг асосий амалий вазифаси қилиб қўйди. Бу ҳужжатда синфсиз жамият қурилишнинг муҳим вазифалари ва босқичлари белгилаб берилди. Районимиз меҳнаткашлари барча совет кишилари каби партия Программаси проектида ўз истиқболларини равшан кўриб турибди.

Хўжабобод район партия комитетининг секретари К. Усмонов КПСС Программаси ва Устави проектларида кўйилган вазифаларни оммага етказиш соҳасида партия ташкилотлари олиб бораётган ишларга тўхталди.

— Партиямиз Программаси проектида, — дейди у, — коммунизм қурувчиларининг ахлоқ кодекси, идеология ишларининг режаси чизиб берилган. Хозир райондаги саноат корхоналари ва колхозларда 300 дан ортиқ агитатор, 35 пропагандист, 26 сиёсий докладчи ана шу ҳужжатларни меҳнаткашларга тушунтирмоқда.

Учқўрғон ёг-экстракт заводининг инженери И. Полянская замонамизнинг буюк ҳужжатлари — партия Программаси ва Устави проектларини завод коллективи яқиллик билан кутиб олганлиги ва бу ҳужжатлардан руҳланган ишчилар КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборганликлари тўғрисида хаяжоланиб гапирди.

Наманган шаҳар партия комитетининг секретари З. Йўлдошев ўз нуткида КПСС Устави проектида партия қурилишининг бой тажрибаси умумлаштирилганлигини, коллектив раҳбарлик принциплари, партия ички ҳаётининг асосий коидалари, амалий фаолиятининг услуб ва методлари, коммунистларнинг ҳуқук ва вазифалари равшан кўрсатиб берилганлигини айтди. Шу билан бирга, у Устав проектидан **КПСС аъзосини кандидатликка тушуриб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмани олиб ташлашни таклиф этди. Унинг фикрича, нотўғри хатти-ҳаракат қилган ва партия Уставига хилоф иш тутган коммунистни кандидатликка тушуриб қўйиш — партия аъзолигига янги қабул қилинган кишилар руҳига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.**

«Мингбулоқ» совхози партия комитетининг секретари М. Тўхтабоев айтдики, янги Устав проектида илгари сурилган масалалар коммунист деган улуғ номни янада юқори кўтаради ва у ҳозирги давр талабларига тўла жавоб беради. Коммунистларнинг Уставда кўрсатилган ҳуқуқ ва вазифалари партия конуни бўлиб, у партия ички демократиясини янада ривожлантиришни, коммунистларнинг активлигини тағин ҳам оширишни таъминлайди.

Конференцияда область партия комитетининг ҳисобот доклади кенг муҳокама қилинди. Обкомнинг биринчи секретари Р. К. Қурбонов ҳисобот даврида қилинган ишларни таҳлил қилиб берди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар партия ташкилотларининг ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланиб, сон жиҳатидан ўсганлигини, хўжаликка раҳбарлик савияси анча ошганлигини, идеология ишларининг таъсир доираси кенгайиб бораётганини таъкидладилар. КПСС XXII съезди шарафига кучайиб кетган умумхалқ социалистик мусобақаси меҳнаткашларни янги ишларга отлантирди, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш йўлида уларнинг ғайратини ошириб юборди.

Область саноат корхоналари шу йилнинг 8 ойлик планини 103,6 процент бажарди. Ўтган бир ярим йил мобайнида янги саноат корхоналари, маданий-маиший объектлар, электр станциялар фойдаланишга топширилди, юзлаб километр масофага юкори ва паст вольтли электр линиялари тортилди, кўпгина корхоналар реконструкция қилинди. Ўтган йили ва шу йилнинг 8 ойи ичида техникани тараққий эттириш, технология процессларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш натижасида меҳнат унумдорлиги анча юқори кўтарилди, маҳсулот таннархи пасайди.

Саноат корхоналарида коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари номини олиш учун бошланган ҳаракат тобора кенгайиб бораяпти. Бу ажойиб ҳаракатда қатнашаётган минг-минглаб кишиларнинг меҳнатида, турмушида коммунизм қурувчисининг юксак ахлоқий фазилатлари ёркин кўзга ташланиб турибди. 35 корхона, 837 бригада, смена ва цех коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашяпти.

Маълумки, Андижон областининг кишлоқ хўжалиги республикамиз экономикасида муҳим ўрин эгаллайди. Хўжалиги комплекс ривожланаётган, маҳсулот етиштиришни муттасил кўпайтираётган кўпгина илғор колхоз ва совхозларнинг етти йиллик нормаларни тезрок эгаллаш йўлида кунчалик тез илгарилаб бораётганлигини кўрсатадиган фактлар кўп. Кўргонтепадаги «Совой» совхози Избоскандаги Сталин номли, Ленин районидаги Хрушчев номли, Карл Маркс номли, Марҳамат районидаги Свердлов номли Уйчи районидаги Ленин номли колхозлар ана шундай илғор ва намунали хўжаликлар ҳисобланади.

Конференцияда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазифаларни бажаришда катта камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу йилнинг 8 ойи ичида 20 дан ортиқ корхона ишлаб чиқариш топширишини бажармади, 4 миллион сўмлик кам маҳсулот берди. Қурилиш ташкилотларида материал ва маблағларни талон-торож қилиш, планда белгиланган объектларни қуришни ҳаддан ташқари чўзиб юбориш ҳоллари учрамоқда.

Музокарада сўзга чиққан Андижон шаҳар партия комитетининг секретари Э. Ашуров республика Халқ хўжалиги кенгашининг раҳбариятини каттик танкид қилди. У айтдики, шаҳардаги айрим корхоналарни, жумладан, кишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган «Коммунар» заводи, гидролиз заводи ва бошқа корхоналарни реконструкция қилиш ва янги техника билан қуроллантириш ҳақида Халқ хўжалиги кенгашига кўп марта мурожаат қилдик. Область партия комитетининг шу йил июлда бўлиб ўтган пленумида ҳам бу масала кўтарилди. Пленумда Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ Мартинов ҳам қатнашиб, аҳволни тузатиш юзасидан ўрдам қилишга ваъда берди. Аммо шундан кейин ҳам иш ўзгариш бўлмади. Ўртоқ Мартинов блокнотига ёзиб олган тадбирлардан бирортасини ҳам бажармади.

Наманган шаҳридаги қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи И. Садриддинов ўзи раҳбарлик қилаётган коллективнинг иш тажрибаси ҳақида гапирди. Бизнинг бригадамиз, деди у, қурилишда жалол усулларни қўлланиб, якин 5-6 ой ичида кўп биноларни тиклади, жумладан, мактаб-интернат 400 кишилик ётоқхона, намунали ошхона биноларни тез орада қад кўтарди. И. Садриддинов бригада аъзолари педагогика институти учун беш қаватли бинони муддатидан бир йил илгари қуриб битказиш учун мусобақалашаётганини айтди. Қурилиш материалларини ташиш ва ундан фойдаланишда юз бераётган чатоқликларни фактлар асосида танкид қилди.

Олтинкўл район партия комитетининг секретари Т. Каримова сув хўжалиги системаси ишида катта нуқсонлар юз бераётганлиги ҳақида мисоллар келтирди. Кампировот сув омборини қуриш ҳақида кўп гап бўлди, бу ҳақда карорлар ҳам кабул қилинди. Бирок ҳали бу ишга киришилгани йўқ. Бунинг натижасида кўпчилик районлар сув танкислигидан катта кийинчилик тортяпти. Нотиқ район марказида қурилаётган водопровод системаси 5 йилдан бери битказилмаётганлигини айтиб, бу иш юзасидан Ўзбекистон ССР қурилиш министри Иброҳимов ва Андижон область 162-қурилиш трестининг бошлиғи Шулькевич ўртоқлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни қониқарсиз бажараётганликларини танкид қилди.

— Районимиз пахтакорлари, — деди Андижон район партия комитетининг секретари Ҳ. Жўраев. — КПСС XXII съездига мунасиб совғалар тайёрлаяпти. Сталин номли ва «Коммунизм» колхозлари ҳозиргача социалистик мажбуриятларининг 20-22 процентга миқдорида пахта сотдилар. коммунист ва комсомоллар йигим-теримда авангардлик кўрсатяпгилар. Шу кунларда партия аъзоларининг 75 процентга далада этак тутиб пахта теряпти. Уларнинг кўпчилиги мавсумда 10 тоннадан пахта териб беришга ахд қилган. Биз, дейди Ҳ. Жўраев, пахта тайёрлаш планини 7 ноябрга социалистик мажбуриятни 15 ноябрга бажарамиз.

Конференция қатнашчилари Тўрақўрғон район партия комитетининг секретари У. Икромовнинг область партия комитети адресига айтган танқидий мулоҳазаларини қўллаб-қувватладилар. Нотиқ айтдики, область партия комитетининг секретарлари, бўлим мудирлари жойларда, омма орасида кам бўладилар, колхоз ва совхозларнинг экономикасини чуқур ўрганмайдилар, колоқ хўжаликларни илғорлар даражасига кўтаришда ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатмайдилар. Яна шу нарса ачинарлики, омма орасида сиёсий-тарбиявий иш олиб боришга, пропаганда ва агитациянинг таъсирчанлигини оширишга даъват этилган бу раҳбарлар меҳнаткашлар ўртасида доклад ва лекциялар билан жуда камдан-кам чиқадилар. Область партия комитетининг секретари А. Эгамбердиев ҳозиргача бизнинг районимизга ва бизга қўшни районларга боргани йўқ, у кадрларни танимайди.

Нотиқ область партия комитети ўзи кабул килган карорларнинг ижроси учун етарли кураш олиб бормаётганлигига доир бир канча мисоллар келтирди. Жумладан, Косонсой сув омборини кенгайтириш, Тўрақўрғон насос станцияси қувватини ошириш ва Охунбобоев номли канални реконструкция қилиш ҳақида область партия комитети ва область ижроия комитети белгилаган муҳим тадбирлар ҳамон амалга ошмай келаётир. Ўртоқ Икромов Андижон шаҳрида жойлашган сув хўжалиги идораларини ишлаб чиқаришга якинлаштириш учун улардан баъзиларини Марказий Фарғона ерларига кўчиришни таклиф этди.

— Зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда, — дейди Избоскан районидаги Сталин номли колхоз раиси М. Суяров, — ҳал қилувчи пайт келди. Биз 3250 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олишимиз керак. Ҳар кунн давлат омборларига йиллик планнинг 2 процента миқдорида пахта тўкяпмиз. 50 центнерчилик ҳаракатининг ташаббускори КПСС аъзоси Турдихон Қодирова. Эргаш Мирзаев, Раимжон Охунов бошлиқ бригадалар ҳозирданок мажбуриятларини 20 процентдан ошириб бажардилар.

Конференцияда кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жоиига қўйиш, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ишига жамоатчиликни кўпрок жалб этиш, идеология ишлари даражасини юкори, кутариш, омма орасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш ва янги кишига коммунистик ахлок принципларини чуқурроқ сингдириш масалаларига катта ўрин берилди. Сўзга чиққан делегатлар партия маорифи шоҳобчаларида янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш, хотин-кизларни раҳбарлик лавозимларига кўпрок кўтариш, ҳамма жойда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш ҳақида, кўзбўямачилик, кўшиб ёзиш ҳолларига қатъий барҳам бериш тўғрисида конкрет таклифларини ўртага ташладилар.

Конференция мухокама килинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Конференцияда область партия комитетининг раҳбар органлари ҳамда КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съездига делегатлар сайланди.

Конференция қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, содик ленинчи, гинчилик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчевга табрик хати юбордилар.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий Пленуми бўлиб ўтди. Р. К. Қурбонов область партия комитетининг биринчи секретари килиб, А. П. Буреев иккинчи секретари қилиб, С. А. Никитин, А. Р. Хўжаев, А. Эгамбердиев обком секретарлари килиб сайландилар.

Х. ЕДГОРОВ,
Н. ҲАКИМОВ.

И. Глауберзон фотоси.

Янгийўл пойафзал фабрикасининг 2- цех коллективи партия XXII съезди арафасида айниқса унумли меҳнат қилмоқда. Фабриканинг илғор ишчиси Носир Деҳқонов меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритяпти. Илғор ишчи смена топшириқларини бир ярим бараварга етказиб бажаряпти. СУРАТда: Носир ДЕҲҚОНОВ.

И. Глауберзон фотоси.



Чирчиқдаги электр машинасозлиги заводи — республикамиздаги йирик корхоналардан бири. Завод ишлаб чиқараётган комплектли трансформатор подстанциялари металлургия заводларида, фабрикаларда ва бошқа жойларда кенг қўлланилади. СУРАТДА: тайёр бўлган трансформаторлар синаб кўрилмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЎН БИР ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). «Ферганаводстрой» трестига қарашли 4-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи съезд олди социалистик мусобақасини кучайтира бориб, ўн бир ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этди. Бу ерда Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришдан ташқари уй-жой қурилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 4485 квадратметр типовой уй-жой қурилди. Бу, планда кўзлагандан анча кўп.

Съездга меҳнат совғалари тайёрлаётган С. Мадаминов бошлиқ ғишт терувчилар, М. Хомидов бошлиқ дурадгорлар, А. Козиор бошлиқ нурчилар, Ф. Шмидт бошлиқ бўёқчилар бригадалари 1962 йил ҳисобига ишламоқдалар.

КУЧМА УЙ ҚУРИШ ЦЕХИ

ХЎЖАИЛИ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Шаҳар пром. комбинати қошида янги ташкил этилган уй қуриш цехи қурилиши тугалланиш арафасида турибди. Цехда технология ускуналари тез суръатлар билан ўрнатилмоқда.

Янги цех КПСС XXII съездн очиладиган кунгача ишга тушиб, автоном республика чўпонлари учун ўтовлар тайёрлаб чиқара бошлайди. Шунингдек, бу ерда гилам ва поёндозлар тайёрлайдиган янги станоклар ҳам қурилаётир.

СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — БИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

□ □ □

Улуғ воқеа — Коммунистик партиянинг XXII съезди арафасида бизнинг Ватанимиз тарихий аҳамияти жиҳатидан сермазмун буюк кунларни бошдан кечирмоқда. Съездда КПСС янги Программаси қабул қилинади. Бу Программа замонимизнинг КПСС ва унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети яратиб берган жуда зўр марксча-ленинча асаридир.

Партиянинг янги Программаси Совет Иттифоқига очиб бераётган жуда катта истиқболлар совет кишиларининг Ленин ғояларини бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилаётганликлари натижасида рўёбга чиқди. Биз синалмаган йўллардан бориб, кейинчиликлар ва маҳрумликларни енгиб, тарихан қисқа муддат ичида социализм қуриб олдик ва бизнинг мамлакатимизда социализм узил-кесил галаба қилди. Партия XX ва XXI съездларининг тарихий қарорларини амалга ошириш даврида Ватанимиз ўзининг ҳар томонлама тараққиётида айниқса катта ҳақиқатан ҳам жуда зўр парвоз қилди. Ҳозир бизнинг халқимиз совет экономикасини ривожлантиришнинг етти йиллик планини муваффақиятли бажармоқда. бу эса партия Программасида чизиб берилган асосий иқтисодий вазифани — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш вазифасини ҳал қилмоқ учун қулай шарт-шароит яратиб беради.

Биз бутун дунёдаги илғор кишиларнинг ёркин, гўзал, энг олижаноб орзусини рўёбга чиқаришга — коммунизм қуриш бахтига муяссар бўлдик. Совет халқи ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан бутун инсониятга ер юзида энг адолатли, энг прогрессив жамият қуришнинг кенг йўлини очиб бермоқда. Коммунизм барча кишиларни социал тенгсизликдан, зулм, эксплуатациянинг ҳамма формаларидан, уруш даҳшатларидан қутқаришдек, тарихий миссияни бажараётган ер юзидаги ҳамма халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Эркинлик, Тенглик ва Бахт-саодат қарор топтиради.

Совет кишилари Программа проектини ўрганиб ва муҳокама қилиб, коммунизм тантанаси йўлида курашмоқ учун бу улкомбахш ҳужжатдан янги ижодий ғайрат олмоқдалар. Улар партия XXII съездини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажарибгина қолмасдан, шу билан бирга бу мажбуриятларни анча оширнб бажармоқдалар. пландан ташқари минг-минглаб тонналаб чўян ва пўлат, кўмир ва нефть, миллион-миллион пудлаб галла бермоқдалар. Бу янги муваффақиятларга интилиб қилинаётган ватанпарварлик ҳаракатида совет жангчилари ҳам орқада қолмаётирлар. Улар ўзларининг жанговар маҳоратларини оширишни, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашни, Ватаннинг давлат манфаатларини ҳушёрлик билан қўриклаб туришни ўзларининг бурчлари деб билмоқдалар.

* * *

КПСС янги Программаси проектида уруш ва тинчлик масалаларига, партиянинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифаларига тегишинча ўрин берилган. Бу тарихий ҳужжатнинг **«Совет Иттифоқи Қуролли Кучларини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш»** сарлавҳали бўлимида партиянинг VIII съездида қабул қилинган ленинча Программанинг асосий қоидалари акс эттирилган. Шу билан бирга бу тарихий ҳужжатда Совет давлати ҳарбий қурилишининг тинчлик даврида, шунингдек социалистик Ватан душманлари билан кураш йилларида қўлга киритган кўп йиллик тажрибаси ижодий умумлаштириб берилган.

Совет халқи коммунизмни қурратли жаҳон социалистик системаси ер юзида вужудга келган ва бу система ижтимоий ривожланишнинг боришига тобора кўпроқ даражада таъсир ўтказаётган шароитда қурмоқда. Инсоният тарихида биринчи марта шундай шароит вужудга келдики, бу шароитда урушнинг тақдирга ёзилган муқаррар нарса эканлигига энди ўрин қолмади. Бироқ, биз шуни яхши биламизки, империализм ўз табиати билан агрессивдир, империалистик давлатлар жаҳон социалистик системасининг мавжудлигига тоқат қилишни истамайдилар ҳамда Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга қарши уруш қилиш тўғрисидаги ўзларининг ахмоқона планларини очиқ айтмоқдалар.

Империалистлар коммунизм Ватанини — Совет Иттифоқини емириб ташлашга неча марталаб уриниб кўрдилар ва ҳар сафар тегишли зарбага учрадилар. Етарли даражада мустаҳкамланиб олмаган ёш Советлар мамлакати гражданлар уруши йилларидаёқ 14 капиталистик давлатнинг коалициясини гор-мор келтиришга муваффақ бўлгач эди. Империалистлар бизнинг Ватанимизга иккинчи марта ҳарбий юриш қилган вақтларида ҳам ўз мақсадларига эриша олмадилар — Совет Иттифоқини емиришга муваффақ бўлолмадилар. Жаҳон империализмининг асосий зарбдор кучи бўлган фашистлар Германияси билан яккама-якка курашда совет халқи ҳамда унинг Қуролли Кучлари ҳал қилувчи ва тўла галабага эришдилар. Бу тарихий сабоқлар ҳамма агрессорлар учун етарли даражада ибрат бўлиши керак эди. Бироқ, империалистлар ва Гарбий Германия реваншчилари Гитлер изидан боришни давом эттирмоқдалар.

Фашистлар Германияси билан бўлган урушда СССРнинг иттифоқчилари бўлган давлатлар иккинчи жаҳон уруши арафасида бўлганчидек, ҳозир ҳам ўз қўллари билан герман милитаризмини тиклamоқдалар. унинг очкўз ниятларини қувватламоқдалар. Улар Бонн реваншчиларининг қўлига ракета-ядро қуролини тутқазмоқдалар. Бу афсусланарли бир ҳолдир.

Лекин таёқнинг икки учи борку. Бу таёқ Гарб давлатларининг бошига ҳам тегиши мумкин. Шу муносабат билан собиқ гитлерчи генерал, ҳозирги вақтда эса бундесвер ҳарбий-ҳаво кучларининг инспектори Каммхубернинг айтган сўзларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. У немис журналларидан бирида босилган «Уруш санъати» деган мақоласида. агар нацистлар ўз вақтида атом бомбасига эга бўлганларида эди, улар Англияни ва Францияни батамом емириб ташлаган ва иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонган бўлур эдилар, деб ёзди. Бу — сурбетлик билан қилинган эътироф! Бони реваншчилари атом қуролини олганларидан кейин, улар бу қуролдан НАТОдаги ўзларининг ҳозирги шерикларига — Англия ва Францияга қарши фойдаланмасликларига ва иккинчи жаҳон уруши вақтида қилган жиноятларига қараганда ҳам қабихроқ жиноятлар қилмасликларига ким кафил бўла олади? Бони реваншчилари атом қуролига эга бўлмоқ учун зўр бериб интилмоқдалар. Англиядаги лейбористлар арбоби Р. Эдвардс «Америка — иттифоқчими ёки хўжайинми?» деган брошурасида айтганидек. улар АҚШга, Францияда коммунистлар. Англияда эса социалистлар жуда кўп. шу сабабли Англия ҳам. Франция ҳам жуда ишончсиз ҳарбий иттифоқчилардир деган фикрни уқдирмоқдалар. Бинобарин. Бони реваншчиларининг фикрича, Бони армияси ядро қуроли билан таъминланиши лозим, шундай қилингандагина фавқулодда ҳолат юз берганида бу армия Англияни ва Францияни четлаштириб қўя олган бўлур эди. Брошюра автори «четлаштириш» деган сўзга қандай маъно бераётганлигини анализ қилиб ўтирмаймиз, лекин СЕНТОнинг яқинда матбуотда эълон қилинган махфий ҳужжатларидан маълумки, янги уруш оловини ёқувчиларнинг таърифига қараганда, четлаштириш бутунбутун мамлакатларни атом ажали зонасига айлантириш демакдир.

Империалистлар тарихнинг муқаррар боришини тўхтатиб қўйишга уриниб, чириб қолган капиталистик тузумнинг албатта халок бўлишига қурол кучи билан йўл қўймасликка интилмоқдалар. Улар ўзларининг талаб олган бойликларини сақлаб қолмоқ учун, ўзларининг паразитларча яшаш тартибларининг ўкмронлик муддатини узайтирмоқ учун коммунизмга туҳмат қилмоқдалар, меҳнаткашларни алдамоқдалар, қўрқитмоқдалар, халқлар ўртасида душманликни авж олдирмоқдалар.

Империалистлар жаҳон ракета-ядро урушининг реал хавфидан халқларнинг эътиборини четга бурмоқ учун маҳаллий урушлар ёки. уларнинг ёз ибораси билан айтганда «меёри белгиланган стратегия» усулини тобора кўпроқ қўлланмоқдалар. Лекин уларнинг маҳаллий урушлари барибир ўтя реакцион, босқинчилик урушлари бўлиб қолаверади. Империализм шундай урушлар воситаси билан мустамлакачилик системасининг барбод бўлишини тўхтатиб қолишга, халқларнинг озод бўлишига ҳалақит беришга, ёш мустақил давлатларнинг ривожланишига халақит беришга интилмоқдалар. Буни АҚШнинг революцион Кубага қарши қилган агрессияси, француз империализмининг Жазоирдаги уруши. мустамлакачиларнинг Конгодаги жиноятлари, империалистларнинг Лаосдаги кирдикорлари, Португалия ҳарбийларининг Анголадаги жиноятқорона ҳаракатлари яққол кўрсатди.

Ҳозирги вақтда АҚШ империалистлари капитализмнинг асосий кўрикчиси ролини ўйнамоқдалар. Америка империализми сохта эркинлик ва демократия байрогига ниқобланиб, амалда бутун жаҳон жандарми ролини бажармоқда. АҚШ ҳукмрон доиралари сиёсатидаги авантюризм ва агрессивлик Европада айниқса яққол кўримоқда.

АҚШ ва унинг агрессив НАТО блокидаги шериклари иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларидан. Германия билан сулҳ шартномаси шу дамгача тузилмаганлигидан авантюристик мақсадлар учун — жаҳонда ўз ҳукмронликларини ўрнатмоқ учун фойдаланишга уринмоқдалар. Шу мақсадда улар Ғарбий Германиядаги ва Ғарбий Берлиндаги оккупация режимини абадийлаштирмоқчи бўладилар, Германия Федератив Республикасини асосий зарбдор кучга айлантириб, қулай пайт келганда Германия Демократик Республикасини ютиб юбормоқчилар, сўнгра эса. Потсдам шартномасига кўра, Польшага ва Чехословакияга қайтариб берилган ерларни тортиб олмоқчилар ва. ниҳоят. ўзларининг асосий даъволарини — социалистик лагернинг ҳамма мамлакатларида социалистик тузум тугатилсин. деган даъволарини кўтариб чиқмоқдалар.

Совет ҳукуматининг тинчликсеварлик билан қилган таклифларига — иккинчи жаҳон урушининг қолдиқлари тугатилсин, Германия ва Ғарбий Берлиндаги аҳвол нормаллаштирилсин. деган таклифларига жавобан империалистик кучлар янги жаҳон уруши бошлаймиз деб дағдага қилмоқдалар.

Америка президенти Кеннединнг шу йил 26 июлдаги нутқи империалистларнинг ҳарбий-сиёсий тайёргарликларини ифодаловчи кенг программа бўлди. Президент ўзининг шу нутқида зўр бериб қуролланиш кучайтирилишини айтди, Совет Иттифоқи олдига ультиматум сингари талаб қўйди. Президент Кеннеди шуни билиб қўйиши керак эдики, ультиматумлар ва дўқлар Совет Иттифоқини чўчитолмайди. Кеннеди зўр бериб қуролланишни оқлаб, бизнинг мамлакатимизга туҳматлар қилаётир. Совет Иттифоқи Америка Қўшма Штатларига ва «эркин дунё» деб аталган бошқа мамлакатларга қарши уруш қилмоқчи. деб ўзининг бу туҳмат гапига жаҳон жамоатчилигини ишонтиришга уринаётир. Янги уруш оловини ёқувчилар ўзларининг агрессив интилишларини оқламоқ учун шундай туҳматларни қилмоқдалар.

АҚШ ўз ҳарбий тайёргарликлари программасини пул билан таъминламоқ учун 1961/62 молия йилининг ҳарбий бюджетини 3,5 миллиард доллар миқдорида кўпайтирди, ваҳоланки. АҚШнинг ҳарбий бюджети шу қадар кўпайтирилмаган тақдирда ҳам жуда катта маблағни. 50 миллиард доллар маблағни ташкил этади. АҚШ резервистларни армияга чақирмоқда, қуролли кучлардан демобилизация қилишни тўхтатиб қўймоқда, ҳарбий қувватни кўпайтирадиган бошқа тадбирларни ўт. казмоқда. Пентагон ўзининг ҳарбий тайёргарликлари билан қаноатланиб қолмай. НАТОнинг бошқа мамлакатларини ҳам шундай қилишга ундамоқда. уларни зўр бериб қуролланишга, пул аямасликка мажбур қилмоқда. улардан Марказий Европадаги бирлашган НАТО қуролли кучларини кўпайтириб, мавжуд 18-19 дивизияни 30 дивизияга етказишни талаб қилмоқда. Шу нарса характерлики, америкаликлар уруш олиб бормоқ учун зарур бўлган қўшинларнинг асосий қисмини Германия Федератив Республикасидан олмоқчилар.

Шундай қилиб, империалистларнинг агрессив тайёргарликлари АҚШда Совет Иттифоқига қарши янги уруш қилиш орзусида юрган урушқоқ доиралар устунлик қилаётганлигини кўрсатиб турибди. Америка ҳарбийлари АҚШ президентини Гитлернинг телба сиёсатини давом эттириш йўлига судрамоқдалар.

АҚШда ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари бўлган давлатларда ҳарбий тайёргарликлар авж олганлигини кўрсатувчи бу ва бошқа кўп фактлар бизни, совет кишиларини хавотирлантирмаслиги мумкин эмас. Биз ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари жаҳонни уруш ёқасига судраётганликларига индамай қараб туролмаймиз ва кўл қовуштириб ўтира олмаймиз. Биз 1941 йилдаги аҳволга яна тушиб қолишни истамаймиз. Бу сафар биз империалистларнинг бизни ғафлатда қолдиришларига йўл қўймаймиз. Шу сабабли мутлақо табиийдирки, вужудга келган мана шу вазиятда Совет давлати тегишли чоралар кўришга мажбур бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Урушларни тугатиш, ер юзида абадий тинчлик ўрнатиш — коммунизмнинг тарихий вазифасидир.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

МИРЗАЧЎЛ СИЙНАСИ—„ОҚ ОЛТИН“ ХАЗИНАСИ

Герман Титов номли 6-совхоз Мирзачўлда янги ўзлаштирилган ерлардан шу йилнинг ўзидаёқ камида 10 минг тонна пахта беради. Бу—партиямизнинг XXII съездига муносиб совға!

Бир туп кўчат ўтказган киши ҳам унинг мевасини кўрганда чексиз қувонади. Ўтмишда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўл-у биёбонни яшнатиб гулистон қилган, пахтазорга айлантирган мана бу азаматлар тоғ-тоғ пахтани қучоқлаб нега қувонмасин. Янгиерга келиб, уни ўзлаштириш билан бирга янги касб орттирган мана бу ватанпарвар қизнинг қувончи нега дарёдек жўш урмасин. Ватанимиз шон-шуҳратини тобора оширайлик, деб жон куйдириб ишлаётган бундай азаматларни совхознинг ҳар бир бўлимида, ҳар бир бригадасида кўриш мумкин. Биринчи СУРАТДА: пахта терадиган машинанинг рулини маҳкам ушлаб турган азамат қиз Шаҳодат ОРИПОВАДИР. У 4-бўлимнинг 27-бригадасида ишлайди. Бу йил камида 150 тонна пахта тераман, деб шайланиб турибди. Совхоз далаларида бугун-эрта 80 та «ХВС-1,2» машинаси теримга тушади. Ўзаларни сунъий тўктириш ишлари аллақачон бошланган. Иккинчи СУРАТДА: кулиб турган азаматлар Пахтакор районидан келишган: (чапдан ўнга) Тожибой ОЧИЛОВ, Маҳмуд СИРОЖОВ, бригадир Ҳакимполвон ҚУРБОНОВ ва Нарзулла ҚУВОНОВлар ўз меҳнатларининг мевасини кўриб мамнун бўлмоқдалар. Ҳакимполвон Қурбонов Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозининг атоқли бригадирларидан бири, Ленин ордени билан мукофотланган азамат йигит. Унинг бригадаси Мирзачўлда ўзлаштирилган ернинг ҳар гектаридан биринчи йилиёқ 40 центнердан ҳосил олиш учун астойдил курашмоқда. Бригада шу кеча-кундузи йиллик планнинг 2-3 процентини миқдорида пахта топширяпти. Азамат комсомолларнинг ҳар бири эса, хирмонга 150-160 килограммдан пахта тўкяпти.

ЧЎЛ БАХТИНИ ОЧГАНЛАР

☆ ☆ ☆

Рассом бўёғига ранг, шоир шеърига илҳом, бастакор мақомига оҳанг қидирса, бу ерга келсин. Чўл билан олишиб, уни енгаётган кишиларни, замонамизнинг қақиқий қаҳрамонларини кўрай десангиз бу ерга келинг.

Бу қадим чўлнинг ери сувсизликдан ташқа эди. Сувсиз чўл худди ўликка ўхшарди. Унга жон бахш этиб, ернинг ҳусни-жамолини очаётган, сув келтириб, янги боғ-бўстонлар яратаётган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишни орзу қилсангиз бу ерга келинг.

Биз қирқ беш кунда ҳаёт дарёсини қазиган, қаттол жангларда ғолиб чиққан, уруш жароҳатларини мардонавор даволаган, қўриқ очиб, олтин бошоқли буғдой кони яратган, жаҳонни ҳайратда қолдирадиган даражада тез ва баланд парвоз қилган халқимизни, қуёш янглиғ сахий ГЭС лар қурган ва қураётган халқимизни, унинг асл қаҳрамон фарзандларини биламиз. Буюк парвозларга тенг келадиган қаҳрамонликнинг давоми, шу сахий заминда туриб келажакка парвоз қилиш билан бараварар иш кўрсатаётган кишилар ҳам худди мана шу ерда.

...Теодолит кўтарган кишилар кетиданоқ бу ерни гулистон қиламиз деган кишилар олтмиш биринчи йилнинг бошида кела бошладилар. Ҳали у вақтда 6-совхознинг оти бор эди-ю, ўзи йўқ эди. Мирзачўлда тағин бир совхоз тузиш режаси бор эди-ю, ҳозир мана бу кад кўтариб турган бинолардан, мана бу беполён пахтазордан, мана бу сахий полизлардан ном-нишон йўқ эди.

Кишилар кўчиб кела бошладилар. Партия, Халқ чақириғига лаббай деб, чўл-биёбон билан олишгани, халқимизнинг қаҳрамонлик китобидан тағин бир саҳифа очгани, коммунистик маъмурчилик олтин қадаҳини дабо-лаб тўлдиргани отланишган эдилар.

Чўл шоввозлари билан гаплашар, суҳбатлашар экансиз, 6-совхозни барпо қилиш учун жанг бошланган дастлабки кунлар кўз олдингизда намоён бўлади. Ўшандаги қийинчиликларни кўз олдингизга келтириш унчалик қийин ҳам эмас.

Хозир Пахтаобод посёлкасининг маркази анча обод бўлиб, шаҳарчага ўхшаб келяпти. Мехмонхона, почта, ошхона, ёзги кинотеатр биноси, болалар боғча ва яслиси, мактаб, медицина пункти, ҳатто сартарошхонагача бор. Бундан ташқари, 14 та икки квартирали, 7 та бир квартирали, 4 та 8 квартирали, 6 та уч квартирали уйлар қурилди.

Биз ҳозир ана шу ғиштин уйлардан бирига кўчиб кирган, аммо пишиқчилик вақти бўлгани учун бола-чақа, невара-чеваралари билан полиз бошидаги капага кўчиб чиққан кишилардан бири билан сизни таништирамиз.

Бу кишининг исми Соатали, фамилияси Жабборов, асли Ғаллаорол районидан. Ёши салкам 55 да. Бақувват, сергайрат, сер ҳаракат, ҳалол одам.

Соатали аканинг феъли шунақа: каерда иш қийин бўлса, ўша жойга биринчи бўлиб етиб бормаса, кўнгли тинчимайди. У янги ер очаман, деб Мирзачўлга бир ўзи эмас, бутун оиласи билан кўчиб келган эди. Мирзачўлнинг бағрида янги ер очишга кўп ҳисса кўшди. 6- совхознинг дарагини эшитгандан кейин бу ерга келди.

— Бу ер жуда сахий ер. Агар чўл тиқиб қўйсангиз ҳам кўкаради, илдиз отади, сизни ноумид қўймайди. Мана кўриб гувибсиз. Ҳамма ёқни яшнатвордик,—дейди Соатали ака. — Бу ерларда сув йўқ, экин битармиди деб умидсизланган кишилар ҳам бор эди оромизда. Қани энди ўша кишилар боғимизни, полизимизни бир келиб кўрса.

Соатали ака оиласида ўғиллари, келинлари ва невaралари бўлиб—24 киши бор. Ака шу ватанпарвар оила совет давлати халқимизга бераётган техниканинг кучидан яхши фойдаланиб, 200 гектар боғ қилди. Баъзи бировлар сира экин битмайди деган жойга—100 гектардан ортиқроқ майдонга қовун-тарвуз, тиёз экди.

— Отасига минг раҳмат. Соатали аканинг полизи жуда баракали бўлди,—дейишади пахтакорлар.

Совхозда шу йилнинг ўзидаёқ қарийб 6 минг гектар майдонга чигит экилди. Сув таъминслиги енгилди, совет ирригаторларининг астойдил ўйлаб ижодий иш кўриши натижасида юз километрдан ортиқроқ масофада нов ўтказилди. Бу новлар оддий нов эмас. Сув ана шу новдан истаган жойингизга оқиб боради. Сувнинг бир томчиси ҳам ерга сингиб кетмайди, нобуд бўлмайди. Бунинг учун давлатимиз бир неча миллион сўм маблағ ажратди. Қудратли техникалар ишга туширилди. Кучли комбайнлар, грейдерлар садоси Мирзачўлнинг асрий уйқусини қочирди.

Шу йилнинг бошидагина бекор ётган 6 минг гектар ерга чигит экиш, уни Сирдарёдан Жанубий Мирзачўл канали орқали оқиб келаётган ҳаёт сувига қондириш, кўкартириб олиш, ҳар бир туп ғўзани парвариш қилиш осон иш эмас, албатта. Хозир «оқ олтин» конига айланган пахтазорни вужудга келтириш учун жонбозлик кўрсатган Қаршибой Очилов, Ҳаким Қурбонов, Мўмина Карометова, Абдурасул Дониёров, Пиримқул Нурмонов сингари чўл қаҳрамонларининг ишига муфассал тўхталиб ўтиш керак. Булар шундай кишиларки, уларнинг ҳар бири тўғрисида достонлар тўқиш керак. Чўл нетъматининг ижодкорлари шулар. Улар очган шу сахий ер қўйнидан 1961 йилдаёқ камида 10 минг тонна нақд «оқ олтин» териб олинади. Бу — янги совхоз коллективининг КПСС XXII съездига туҳфаси. Ҳозир Жиззах сари бораётган «оқ олтин» карвонларининг кети узилмайди, бу карвон олтинчи совхоз томондан келяпти. Бу оқим тобора кучаяверади.

Ҳамид НУРИЙ,
Жиззах районидаги Герман Титов номли 6-пахтачилик совхози.

— Сахий ернинг биринчи ҳосили. Уни терган сари тергинг келади. Пахтанинг меҳр-муҳаббати туфайли чарчаш нималигини билмаймиз, — дейди Ҳакимполвон Қурбонов бошлиқ бригаданинг илғор теримчиси Зуҳрахон Ҳакимова.

У далага эрта тонгда чиқади. Қош қорайгунча ҳормай-толмай меҳнат қилади. Икки қўллаб пахта теради. Зуҳрахон ҳар куни хирмонга 150-160 килограммдан пахта тўкиб, ишни қойил қиляпти. Совхозда бундай чевар теримчилар тобора кўпаймоқда. СУРАТДА: моҳир теримчи Зуҳра ҲАКИМОВА.

Ер очиб, унн гулистон қилганлардан бирн Соатали ака Жабборовдир. У оиласидаги 24 кишн билан чўлга кўчиб келди. 200 гектардан ортиқроқ майдонни боғ қилди. Соатали аканинг полизида пишган қовун-тарвузнинг ширинлигини айтмайсизми. СУРАТДА: Соатали ака ЖАББОРОВ чўлнинг неъматидан мамнун бўлиб турибди.

КОМСОМОЛОБОД

М. КАРОМАТОВА,
11-бригада бошлиғи, механик-ҳайдовчи.

<>

Шу йилнинг бошида ҳозирги посёлкамиз ўрнида 3-4 та ертўладан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ҳозир посёлкамизни бир келиб кўринг. Худди шаҳарчага ўхшайди. Болалар боғчаси, мактаб очилган. Бу мактабда кимлар ўқитувчилик қиляпти? Оддий механизатор кизлар. Мен Самара Усмонович таништираман. У Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлагандан кейин шу ерга ишга келди. Ўртоқ Усмонова янги ер ўзлаштираётган кишиларнинг фарзандларини коммунистик руҳда тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда. 250 бола ўқийдиган ана шу бинони 27- СМУ коллективи қуриб берди. Қурувчиларга минг раҳмат. Улар қисқа вақтда жуда катта иш қилишди.

Бригадамизда Нарзулла Омонов, Турсун Холмуродов, Холмат Ҳайдаров, Ҳамид Холиқов, Адҳам Умматов сингари азаматлар бор. Уларнинг ҳар бири янги ерни ўзлаштиришда, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда жангдаги қаҳрамонликка тенг жасорат кўрсатди.

Ҳозир Совет Иттифоқи Қаҳрамони Пиримқул Нурмонов ва у билан бирга бир канча ёшлар 5-бўлимда яна янги ер очишмоқда. Ана шу янги ерларни очишда 26 та скрепер, 8 та грейдер, 3 та бульдозер ишлади. Ана шу қўлда техникани бошқарадиган йигитлар ҳақиқий қаҳрамон эмасми? Совхозимизга жуда кучли техника етказиб берилмоқда. Биргина шу йилнинг ўзидаёқ пахта далаларида 80 та терим машинаси ишлайди.

Мен шу ерга келиб механик-ҳайдовчилик касбини ҳам эгаллаб

Суратда: ўртоқ М. Карометова.

олдим. Бу йил камида 250 тонна пахта териш учун донгдор механизатор Турсуной Охунованинг иш тажрибасини ўрганмоқдаман.

Шу йилнинг ўзидагина 50 киши янгидан механик-ҳайдовчи бўлиб етишди.

Совхозимизни чиндан Комсомолобод деса бўлади. Уни ўзлаштиришда, пахтани мўл ҳосил олишда комсомол аъзолари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Совхоз энди қалдини тиклаб келяпти. Яқин орада пахта майдони 12 минг гектарга етказилади. Совхозимиз йилига 25 минг тонна пахта бера бошлайди. Биргина Жиззах райони территориясида ана шундай йирик совхозлардан 8 таси қад кўтаради. Бу улуғ ишлар бизни қаҳрамонликка чақиряпти. Улуғ ишларни қилиш қаҳрамонликларни давом эттириш учун туғилганмиз.

ЗОМИНЛИКЛАР, БАЛЛИ!

Иш қисталанг келиб қолган пайтда дўст-дўстга ёрдам беришни сира унутмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жиззах районидаги 6-совхоз далаларида пахта чаман-чаман очилиб кетганини эшитган «Зомин» совхозининг коллективи:

— Дўстларимиздан ёрдамимизни аямаймиз. Янги ернинг биринчи ҳосилини жон деб териб берамиз, — дейишди.

Шу кеча-кундузда Зомин районидан келган мингдан ортиқ азамат 6-совхоз пахта далаларида ишлаяпти. Улар Туроб Ғаффоров бошлиқ 4-бўлим пахтакорларига айниқса яқиндан ёрдам бермоқдалар. Зоминликлардан Суяров, Қобилов, Раҳимбердиев, Жуманазаров, Бобоқулов сингари азаматларнинг ҳар бири кунига 115-140 килограммдан пахта териб, ишни қойил қилмоқдалар.

Зоминликлар ёрдам бераётган 35- бригада совхозда илғор ҳисобланади. Азамат деҳқон Қаршибой ака Очилов бош бўлган бу бригада техниканинг кучидан яхши фойдаланиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Теримга барвақт тушилди. Ҳосилнинг мўл-кўл бўлганини кўрган 35-бригада коллективи КПСС XXII съезди шарафига гектаридан 30 центнердан пахта топшириш тўғрисида янги мажбурият олди.

6- совхоз коллективи ишининг долзарб пайтида кўмаклашгани келган зоминликлардан миннатдор бўлиб, уларга балли деяпти.

ДЎСТЛАР, ЁНИМИЗГА КЕЛИНГ!

1960 йилда Тошкент медицина институтининг даволаш факультетини тамомлаганимдан кейин мени Янгиерга ишга юборишди. Юрагим халқимиз қаҳрамонлик кўрсатаётган ерга бор, янги ер очаётган азаматларнинг ёнида бўл дерди. Шунинг учун янги ташкил қилинаётган 6-совхозга юборилишини талаб қилдим.

Ҳозир совхоз посёлкасидаги медицина пунктида врач бўлиб ишлайман. Медицина пункти дастлабки вақтда вагончада жойлашган эди. Мана энди ўзимизнинг алоҳида медицина пунктимизга эга бўлдик. Маргарита Алексеевна Милославская, Қаршибой Шукурбоев ўртоқлар якин ёрдамчиларим.

Совхоздаги йигит-қизларнинг ҳаммаси соғлом. Шундай бўлса ҳам, уларни тез-тез медицина кўригидан ўтказиб турамиз. Ахир, эл соғлиғи—юрт бойлиги эмасми. Мирзачўлда безгак ва шунга ўхшаш касалликлар аллақачон тугатилган.

Чинакам қаҳрамонлик қидирсангиз, Мирзачўлга, ёнимизга келинг, дўстлар!

Э. ОТАБОЕВ,
совхоз врачи.

ҚАҲРАМОНЛИК САҲИФАСИ

И. ҒУЛОМОВ,
Совхоз партия бюросининг секретари

<>

Бутун халқимиз сингари совхозимиз коллективи ҳам жонажон партиямизнинг янги Программаси ва Устави проектларини зўр қизиқиш билан ўрганиб, ялдиллик билан маъқуллаяпти. Бу тарихий ҳужжатлар ҳар бир совет кишисининг тақдирномасидир. Чунки унинг саҳифаларига Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик ва Бахт-саодат деган сўзлар олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Коммунистлар, комсомол-ёшлар янги ерни бир йилдаёқ ўзлаштириб, пахта конига айлантиришда жонбозлик кўрсатдилар. Биз бугун коммунист Қаршибой Очилов, Абдураҳмон Норқулов, Ҳакимполвон Қурбонов, Туроб Ғаффоров, Мўмина Карометова, Маҳмуд Абдуллаев, Жўрабой Юнусов, Аҳмад Абдуллаев ва бошқа ўртоқларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Мана шулардан бири Қаршибой ака Очиловнинг меҳнати тўғрисида сўзлаб берай.

Ўртоқ Очилов кекса коммунистлардан бири. У 1931 йилдан буён партия аъзоси. Лекин кексалигига қарамай, 8 фарзанди билан, бутун оиласи билан янги совхозга кўчиб келди. Коммунистга хос сабот ва матонат билан ишлади. Ёзда, ҳосил тўплашнинг энг ҳал қилувчи кунларида, ўқишдан дам олгани келган ўғиллари Эркин ва Тўлқин ҳам унинг ёнига кириб сувчилик қилишди. Бизнинг шароитимизда ҳар бир томчи сувнинг ҳам ўз ўрни бор. Биринчидан, сув камчил бўлса, иккинчидан, ерга ортиқча сув қўйиб юборилса, ер остидаги шўр юзага уриши мумкин. Шунинг учун ҳам тажрибали пахтакор ниҳоят эҳтиётлик билан иш тутди. Мана бугун 135 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Коммунист Очилов бошлиқ бригада пахтакорлари гектаридан камида 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Ленин орденли Ҳаким полвон Қурбонов бошлиқ бригада 176 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топширади. Бригада 130 гектар майдондаги ҳосилни машинада териб олади.

Коммунист Ҳаким Қурбонов Пахтакор районидаги машҳур «Коммунизм» колхозининг Ленин орденли атоқли бригадирларидан бири эди. У юрак амрига қулоқ солиб, бу ерга келди. Ўртоқ Қурбонов пахтачиликда техниканинг кучидан самарали фойдаланишнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Техникага таянган бу бригада энг кўп ва энг арзон пахта беради. 130 гектар майдондаги ҳосил машинада териб олинади.

Комсомол аъзоси Мўмина Карометова энг жасур ўзбек қизларидан бири десак бўлади. У совхозга келганидан кейин фидокорона меҳнат қилишнинг чинакам намунасини кўрсатди. Комсомолларга бош бўлди. Энг оғир дамларда ҳам пахтазордан сира нари кетмади.

Совхозимизда 60 га яқин коммунист, 200 дан ортиқ комсомол аъзоси бор. Булар совхоз коллективининг авангарди.

Совхозимизнинг истиқболи порлоқ. Унинг моддий-техника базаси кенгайиб, мукаммаллашиб боради ва шаҳардаги турмуш шароити билан тобора яқинлашади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Совхозда ирригация ишлари учун фақатгина шу йилнинг ўзида 6-СМУ коллективи янги пулда 3 миллион сўмлик иш бажаради.

* * *

Пахта далаларига сувнинг равон оқиши учун 4 минг кубометр ҳажмда темир-бетон ётқизилди.

* * *

Олтинчи совхоз яқинида пахта тозалаш заводи, ундан сал нарирокда богдорчилик совхози қад кўтаради.

* * *

Пахтаобод посёлкасида 100 минг тупдан кўпроқ ҳар хил дарахт ўтказилди.

* * *

Яқин йилларда Герман Титов номли совхознинг пахта майдони 12 минг гектардан ортиб кетади.

1961 йилнинг бошида Мирзачўлнинг мана шу бир бўлагига кўчиб келган азаматлар ишга отланганида бугун 6 минг гектар пахтазорга айланган яхлит майдонлар шу суратдагига ўхшаш бўм-бўш жонсиз эди. Қудратли техника билан қуролланган кишилар ҳормай-толмай ишлаб, ерга жон киргизишди. Эндиликда 6 минг гектар майдон сахий қўйнини кенг очяпти. Совхоз шу йилнинг ўзидаёқ давлатга камида 12 минг тонна пахта беради. Ленин чўлини ўзлаштириш учун ҳужум ҳали тўхтагани йўқ. Ҳозирча совхозда 5-бўлимнинг ўзи бор-у, ери йўқ тўғрироғи ери бўлса ҳам, ҳали унга жон бахш этилмаган. Бу ерга кимлар жон бахш этади. Булар агроном Абдурауф Абдуваҳобов, Абдурасул Дониёров, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Пиримқул Нурмонов, Мирғози Шайдуллин, Асқад Нуриддинов, Пўлат Жўраевга ўхшаган азамат кишилардир СУРАТДА: сиз 5-бўлим агрономи Абдурасул Дониёров билан трактрчи Мирғози Шайдуллинни кўриб турибсиз. Келаси йили чигит экиладиган 2 минг гектардан бир минг гектари ўзлаштирилди. Яхлит майдонлар текислаб қўйилди. Қолган бир минг гектари ҳам кузгача нафтдек текисланади. Келгуси йили ана шу ерларга чигит бир текис туширилиб, бугунги бекор ётган чўл «оқ олтин» конига айлантирилади.

А. ТУРАЕВ фотоларн.

СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ— БИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

(Боши иккинчи бетда)

Маълумки, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати СССРнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини мустаҳкамлайдиган бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Қуролли Кучларнинг бу йилга мўлжалланган қисқартирилиши вақтинча тўхтатиб қўйилди, мудофаа харажатлари бирмунча кўпайтирилди, ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўтаган солдатлар, матroслар, сержантлар ва старшиналарни запасга бўшатиш кейинга қолдирилди.

Бизнинг давлатимиз ядро қуролининг экспериментал портлатишларини ўтказишга ҳам мажбур бўлдики, ҳозирги шароитда бу нарса муқаррар бўлиб қолди. Империалистик матбуот Совет ҳукуматининг бу хусусда берган баёнотининг ҳақиқий моҳиятини бузиб кўрсатиб, шовқун-сурон кўтарди, риёкорлик қилиб, жаҳоннинг тақдири тўғрисида ўзини гўё «афсусланган» ва «ташвишланган» қилиб кўрсатмоқда. Шу риёкорларга бундай савол бериш ўринли бўлади: Совет Иттифоқи ядро синовларини ўз ташаббуси билан тўхтатиб турган вақтда АҚШда бир қанча ядро синовлари ўтказилганлигига қарши нега улар норозилик билдирмадилар? Франция ўзининг атом бомбаларини синаётган ва синашни давом эттираётган вақтда нега улар бунга норозилик билдирмадилар? АҚШда янги ядро синовлари ўтказилсин деб даъво қилинаётган ва бу синовларга тайёргарлик кўрилаётган вақтда нега уларнинг овози эшитилмаётир?

Совет Иттифоқининг ҳамма дўстлари ва жаҳоннинг тинчликсевар кишилари СССРда ядро қуролининг экспериментал синовлари ўтказилишини тушуниб, маъқулламоқдалар, чунки бизнинг ҳукуматимизнинг ноилождикдан кўрган бу чораси Совет Иттифоқининг ва социалистик лагерь мамлакатларининг мудофаасини мустаҳкамлашга, агрессорларни жиловлаб қўйишга, янги жаҳон уруши ёнғинининг олдини олишга қаратилган чорадир.

Совет ҳукуматининг яқинда эълон қилинган Баёнотида ўқтириб айтилдики, «АҚШ ва НАТОнинг бошқа баъзи мамлакатлари даврдаалар қилиб турган ва ҳарбий тайёргарликлар кўраётган бир пайтда совет ҳукумати НАТОнинг баъзи давлатларида калласи қизиб қолган кимсаларни совутиб қўяоладиган энг самарали қурол турларини такомиллаштирмоқ учун ўзида бўлган имкониятлардан фойдаланмаганида эди» ўзининг муқаддас бурчини ўз мамлакатининг халқи олдида, социалистик мамлакатларнинг халқлари олдида, тинч турмушга интилаётган ҳамма халқлар олдида бажармаган бўлур эди.

Совет Қуролли Кучлари фақат оддий ядро қуролигагина эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга қувват оширилган—кўп миллион тонналаб тротил қувватига эга бўлган бомбаларга ҳам эгадир. Бу ядро бомбаларининг вайрон қилиш ва емириш имконияти ниҳоят даражада катта. Агрессорлар шуни билиб қўйишлари керакки, «Восток» ва «Восток-2» кемаларини космосга олиб чиққан ракеталар синагари қудратли ракеталар мана шундай ядро бомбаларини ер юзининг исталган жойига элтиши мумкин. Бу қасос қуроли агрессорни ўз уясида маҳв қилади.

Барча совет кишилари каби аримиз ва флотимизнинг жангчилари ҳам партия ва ҳукуматнинг Совет Ватанининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш чораларини ижодийлик билан қизғин маъқулламоқдалар. Ҳушёрликни ва жанговар тайёрликни ҳар томонлама ошириш, ҳарбий интизомни ва тартибни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш, жанговар маҳоратни зўр бериб такомиллаштириш тўғрисида партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг чақиригини ракета қўшинларимизнинг, қуриқлидаги қўшинларимизнинг, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий-Денгиз Флоти қўшинларининг барча жангчилари чин кўнгилдан ва қизғин қувватладилар. Шавкатли Совет Қуролли Кучларининг жангчилари ўзларига энг қудратли, энг мукаммал жанговар қурол ва техникани бериб қўйган Коммунистик партиянинг ва Совет ҳукуматининг ишончини оқлайдилар ва социалистик ғалабаларни ҳимоя қилиш йўлида ўз бурчларини охиригача бажарадилар, бунга шак-шубҳа йўқ.

• • •

Агрессия ва урушларнинг бирдан-бир манбаи бўлган империализм модомики мавжуд экан, Совет давлати ўзининг мудофаа қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлай беришга, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёрлигини Ватанимизга ҳамла қилишга ботинган ҳар қандай душманни қатъиян ва батамом тор-мор келтиришни таъминлайдиган даражада сақлаб туришга мажбурдир. Кейинги вақтлардаги воқеалар партиямиз Программасидаги бу қоиданинг мутлақо тўғрилигини исботлаб турибди.

Совет давлатининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш Совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ Коммунистик партия олдига қўйилган асосий вазифаларнинг биридир. «Энди, 1917 йилнинг 25 октябридан бошлаб биз мудофаачиларміз, биз шу кундан бошлаб, Ватанни ҳимоя қилиш тарафдориміз». — улуғ йўлбошчи В. И. Ленин партиямизнинг фикрини шу сўзлар билан ифодалаб берди. Социалистик давлатни қуролли ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги Ленин идеяларининг моҳияти шу сўзларда ифодаланди. В. И. Ленин коммунистлардан социалистик Ватаннинг хавфсизлигини таъминлашни жуда жиддий иш деб билишни талаб қилди. Совет Армияси, унинг командир ва снёсий кадрлари тўғрисида пухта ва ҳамиша ғамхўрлик қилиш, унинг сафларида интизом ва тартибни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мукаддас ҳарбий бурчни фидокорона ва сидқидил бажариш керак деб таълим берди.

В. И. Ленин уруш ва тинчлик проблемаларини, янги типдаги қуролли кучларни қуриш принципларини ҳар томонлама ишлаб чиқди, совет ҳарбий фанининг негизини қурди. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ленин идеялари КПСС янги Программасининг проектида янада ижодий ривожлантирилди.

«Партия, — дейилади мана шу тарихий ҳужжатда, — империализм сақланиб қолар экан, агрессив урушлар хавфи қолаверади, деган қоидага асосланади. КПСС социалистик Ватанни ҳимоя қилишни, СССР мудофаасини, Совет Қуролли Кучларининг қудратини мустаҳкамлашни партиянинг, бутун совет халқининг муқаддас бурчи, социалистик давлатнинг энг муҳим функцияси деб билади. Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда бутун социалистик лагерни ишончли равишда ҳимоя қилишни ва унинг хавфсизлигини таъминлашни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди».

Совет давлатининг иқтисодий қудратини ўстириш мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлашнинг қудратли негизидир. Биз социалистик экономикани ва Қуролли Кучлар жанговар қудратининг асоси бўлган айниқса оғир саноатни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдик. Бизнинг фан ва техникамиз ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Мана шуларнинг ҳаммаси совет халқининг ўз қуролли кучларини Ватанни ҳимоя қиладиган қудратли, энг замонавий воситалар билан—атом ва терма-ядро қуроли билан, ҳар қандай масофага бориб етадиган ракеталар билан қуроллантириб туришига, ҳарбий техниканинг ҳамма турларини лозим бўлган юксакликда сақлаб туришига имкон беради.

Агар империалистлар жаҳон урушини бошлайдиган бўлсалар, бўладиган бу уруш, ўзининг моҳияти эътибори билан бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган икки социал системанинг ҳал қилувчи қуролли тўқнашуви бўлади. Биз учун шу нарса мутлақо равшан бўлиши лозимки, бундай урушнинг ўткир синфий характери жанг қилувчи томонларнинг сиёсий ва ҳарбий мақсадлари ниҳоят даражада қатъий бўлишини белгилаб беради. Шу билан бирга ялпи қирғин ва емириш воситаларининг ишлатилиши урушни мисли кўрилмаган даражада вайрон қилувчи урушга айлантириб юборади. Шу сабабли биз ўзимизнинг Қуролли Кучларимизни мана шундай кескин, оғир ва гоят шиддатли урушга тайёрлашимиз лозим. Коммунистик партиянинг армия ва флот олдига қўяётган юксак талаблари ҳам ана шундан келиб чиқади.

Партия Совет Қуролли Кучлари пухта ва уюшган организм бўлиши, юксак даражада уюшқоқ ва интизомли бўлиши, ўз олдига қўйилган ҳамма вазифаларни намунали бажариши, империалистик агрессорларга қақшатқич зарба беришга ҳамиша тайёр бўлиб туриши лозим деб ҳисоблайди.

Якка бошчилик Совет Қуролли Кучларини қуришнинг энг муҳим принципидир. Якка бошчилик қўшинларни марказлашган тартибда бошқаришни, бутун армия организмининг иродаси ва ҳаракатларида бирлик бўлишини, ҳар бир жангчининг тошширилган иш учун шахсан жавобгарлигини таъминлайди. Якка бошчилик принципи қўшинларимиз практикасида муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Биз бундан бўён ҳам якка бошчиликни мустаҳкамлай берамиз, командирларнинг обрўйини ошириш учун зўр бериб курашаверамиз. Ўз-ўзидан маълумки, Коммунистик партиянинг Қуролли Кучларга раҳбарлиги, армияда ва флотда партия ташкилотларининг ролини ва таъсирини оширишни ҳарбий қурилишимиз асосларининг асоси деб билиб, якка бошчиликни партиянинг ленинча принциплари негизида мустаҳкамламоқ керак.

Партия Программаси проектининг армия ва флотнинг қўмондонлик составини марксизм-ленинизм назариясини зўр бериб эгаллаши, ҳарбий техника тайёргарлиги юксак даражада бўлиши, ҳозирги замон ҳарбий назарияси ва тактикасининг ҳамма талабларига жавоб бериши, ҳарбий интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлаши зарур деган талаби қўмондон кадрларимизга оталарча ғамхўрлик руҳи билан сўғорилган талабдир.

Босқинчилик, қирғинчилик урушлари Совет давлатининг моҳиятига ётдир. Совет давлатининг Қуролли Кучлари ўзининг бутун тарихида фақат адолатли урушлар олиб борди ва бу урушларда социалистик ғалабаларни агрессорларнинг ғамлаларидан ҳимоя қилди. Жангчиларимиз ғалаба олиб борадиган урушнинг адолатли эканлигига, коммунизм улуғ ишининг ҳақ иш эканлигига қатъиян ишонадиларки, бу ишонч уларга урушнинг ҳамма оғирликларини ва маҳрумликларига чидашлари ҳамда ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ғалабага эришишлари учун маънавий куч беради. Совет давлатининг қуролли ҳимоячиси олижаноб ва улуғ идея учун — коммунизмнинг ғалабаси учун фидокорликлар қилади, асло унутилмас қаҳрамонликлар кўрсатади, жонбозликлар кўрсатади, ўзининг қони ва жонини аямайди.

Совет жангчиларининг юксак ғоявийлиги, улуғ ишимизнинг ҳаққонийлигига ва ғалабасига бўлган қатъий ишончи армиямизга енгилмас куч бағишлайди. Шунинг учун ҳам партия ўз Программасининг проектида армия ва флот партия ташкилотларининг олдига барча совет жангчиларини халққа, коммунизм ишига чексиз содиқлик руҳида, мардлик, баҳодирлик ва қаҳрамонлик руҳида. Ватанни ҳимоя қилмоқ учун ўзининг бутун кучини, керак бўлиб қолганда эса жонини ҳам беришга ҳамиша тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш вазифасини қўяди.

Совет Армияси ва Флоти халқ билан чамбарчас боғланганлиги учун ҳам қудратлидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тарихнинг чинакам яратувчиси бўлган халқ урушда ҳамиша ҳал қилувчи куч бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Халқ тўла равишда ва сидқидиллик билан қувватлаб турган армиясига бўлажак урушда ғалаба қозонади. Шу жиҳатдан қараганда эса, бутун афзаллик Совет Армияси томонидадир, чунки Совет Армияси ўзининг состави жиҳатидан, ўзининг характери жиҳатидан ҳам умумхалқ армиясидир.

Партия армия билан халқнинг алоқасини чамбарчас мустаҳкамлаб, коммунистларни, барча совет кишиларини социалистик Ватанни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр бўлиб туриш, армиясига меҳр-муҳаббатли бўлиш руҳида тарбиялаш вазифасини ўз олдига қўяди. Ватанни ҳимоя қилиш, Қуролли Кучларда хизмат қилиш ҳар бир совет гражданининг олий ва муқаддас бурчидир.

Комсомол ҳамда Армия, Авиация ва Флотга кўмаклашиш кўнгилли жамияти сингари оммавий ташкилотларнинг фаолияти Қуролли Кучларнинг ва Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир. Комсомоллар корхоналарда, колхозлар, совхозлар, ўқув юртларида ва муассасаларда бундан буён ҳам мудофаа ишларини кучайтирувчи асосий куч бўлиб қолаверадилар. ДОСААФ фаолиятини яхшилашга ҳар томонлама ёрдам қилишдилар. Биз шавкатли Қуролли Кучларимизнинг жанговар традицияларини моҳирлик билан пропаганда қилишимиз, совет кишиларини, айниқса ёшларни ҳарбий ишга муҳаббатли қилиб, техника билимларига, спортнинг амалий турларига, ҳарбий касбларни ўрганишга интиладиган қилиб тарбиялашимиз ва уларнинг бу интилишини ривожлантиришимиз лозим. «Комсомолнинг муқаддас бурчи,—дейилади Программа проектида, — ёшларни социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашдан, ҳар қандай душманнинг ҳужумига қатъий зарба бера оладиган фидокор ватанпарварларни тарбиялаб етиштиришдан иборат». Қуролли Кучларимиз ўзининг ҳамма муваффақиятлари ва ғалаларига Коммунистик партия туфайли эришди. Партиянинг раҳбарлиги. Қуролли Кучларни такомиллаштириш тўғрисида партиянинг доимий ғамхўрлик қилаётганлиги Совет Иттифоқининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш асосларининг асосидир. КПСС Марказий Комитетининг Қуролли Кучларга раҳбарлик қилишдаги ленинча принципларни тиклаган (1957 йилдаги) октябрь Пленумининг қарорлари, армия ва флот партия ташкилотларининг ролини оширишга қаратилган қарорлар армия ва флот турмушининг ҳамма томонларига партия таъсирини кучайтиришда жуда катта аҳамиятга эгадир.

КПССнинг ленинчи Марказий Комитетя ва шахсан Н. С. Хрушчев Қуролли Кучларимизни қуриш ва янада мустаҳкамлаш, уларни техника билан таъминлаш, жангчиларнинг жанговар тайёрлик сифатини ошириш ҳамда қўшинларда ва флотда партиявий-снёсий ишларни кучайтириш масалаларига муттасил эътибор бериб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ташаббуси натижасидагина ракета қўшинлари тузилди. Қуролли Кучларимизнинг бошқа турларини янада ривожлантириш йўллари белгилаб берилди. Мана шуларнинг ҳаммаси Совет Армияси ва Флотининг зарб қувватини оширди, уларни янги, энг мукаммал қурол ва техника билан таъминлашга. Совет давлатининг мудофаа қобилиятини мисли сиз мустаҳкамлашга имкон берди. Инсониятнинг катта кўпчилиги Совет ҳукуматининг тадбирларини тўғри тушунмоқда. «Совет Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаш. — деди Н. С. Хрушчев. — шу билан бир вақтда бутун дунёдаги тинчлик кучларини ҳам мустаҳкамлаш демакдир. Агрессор шуни билиб қўйиши керакки, халқларнинг тинч меҳнатини, эркинлигини ва мустақиллигини ҳимоя қила оладиган қудратли куч бор».

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Қуролли Кучлар тўғрисида қилаётган ленинча ғамхўрлигига жавобан бизнинг жангчиларимиз ўзларининг жанговарлик маҳоратларини янада такомиллаштириш йўлида ғорнай-толмай ишламоқдалар. Партия, унинг ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукумати теварагида маҳкам жипслашган совет жангчилари партиянинг XXII съездини ўқиш ва таълимда янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар. Совет жангчилари агрессорларнинг социалистик Ватанимизга қиладиган ҳар қандай ҳужумини даф қилишга тўла жанговар тайёр ҳолда турибдилар.

(«ПРАВДА», 14 сентябрь.

Медикларнинг халқаро Форуми қатнашчилари Андижонда

АНДИЖОН, 14 сентябрь. (ЎзТАГ). Андижон областида соғлиқни сақлашнинг ташкил қилиниши билан танишаётган медиклар форумининг кўпгина қатнашчилари ўз блокнотларига қизиқарли рақамларни ёзиб қўйдилар. Ҳозир бу областда 1100 га яқин дипломли врач, 5000 дан ортиқ ўрта малакали медицина ходимлари кишиларнинг соғлигини муҳофаза қилмоқда. Меҳмонлар областдаги бир қанча медицина муассасаларини бориб кўрдилар.

— Биз, — деди ЎзТАГ мухбирига Ханойдаги (ВДР) паразитология ва безгак институтининг директори Данг Ван Нги, — бу ерда кишиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ишининг намунали ташкил этилганлигига ишонч ҳосил қилдик. Шу сабабли кейинги икки йил ичида безгак билан касалланишнинг биронта ҳоли рўй бермаганлиги бизни мутлақо таажжубландирмади. Совет Ўзбекистонидаги ҳамкасбларимиздан биз кўп нарса ўрганиб олдик.



Тошкент йил сайин обод бўлмоқда. СУРАТДА: Навоий кўчаси. В. Сироткин фотоси.

СОВЕТ ПАРТИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ПХЕНЬЯНДА БЎЛИШИ

ПХЕНЬЯН, 14 сентябрь. (ТАСС). Корея Меҳнат партиясининг IV съездига келган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Ф. Р. Козлов бошлиқ совет партия делегациясининг бугун Пхеньяндаги мебель фабрикаси коллективи билан учрашуви самимий ва завқли бўлди.

Фабрикага боришда Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Министрлар кабинети раисининг ўринбосари Тен Ир Лен, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Ли Сон Ун ва бошқа расмий кишилар совет меҳмонларига ҳамроҳ бўлдилар.

«Совет халқи билан умрбод биргамиз!» деган сўзлар ёзилган жуда катта қизил транспарант билан безатилган фабрика дарвозаси ёнида фабрика ишчи ва хизматчилари қардош Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни «Яшасин Корея-Совет дўстлиги» деган хитоблар билан табрикладилар. Делегация аъзоларига гулдасталар тақдим қилинди.

Фабрика майдонининг марказига СССР ва Корея Халқ Демократик Республикасининг давлат байроқлари, Н. С. Хрушчев билан Ким Ир Сен портретлари қўйилган эди. Шу ерда фабрика коллективининг оммавий митинги бўлиб ўтди.

Фабрика директори Ким Ю Чжон делегацияни табриклаб, совет ва корейс халқларининг абадий улуғ дўстлиги ҳақида, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Корея шартномаси корейс халқининг социализм қуриш ва Кореяни тинч йўл билан бирлаштириш йўлидаги курашида жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида, Совет Иттифоқининг корейс халқига бераётган кўпдан-кўп беғараз ёрдами ҳақида гапирди.

Шундан сўнг нутқ сўзлаган Ф. Р. Козлов совет партия делегациясини ниҳоятда дўстона, самимий кутиб олганликлари учун фабрика ишчилари ва хизматчиларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди ҳамда уларга Совет Иттифоқининг кўп миллионли ишчилар синфидан барча совет кишиларидан қардошларча самимий салом топширди. Ф. Р. Козловнинг нутқи бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

КПСС делегацияси фабрика коллективига В. И. Ленининг скульптурасини ва бошқа эсдалик совғаларини тақдим қилди.

Ф. Р. Козлов фабрика цехларини кўздан кечириш вақтида ишчилар билан дўстона суҳбатлашиб, уларнинг қандай ишлаётганликлари ва яшаётганликларини суриштирди. Ф. Р. Козлов ва делегация аъзолари ҳурматли меҳмонлар дафтарида қуйидаги ёзувни қолдирдилар. «КПСС делегацияси Корея ишчилар синфига яқин вақт ичида социализм қуришни, шундан кейин эса эзгу орзуни амалга ошириб, коммунизм қуришни тилайди».

Совет Иттифоқи тинчликнинг мустаҳкам таянчи

□ □ □ □ □ □

Корея Халқ Демократик Республикаси социализм йўлида

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

13 сентябрда АҚШ президенти Ж. Кеннеди агар совет томони Германия проблемаси ва бошқа проблемалар устида жиддий музокаралар олиб боришни истаса, АҚШ шундай музокаралар бошлашга тайёр, деди. У. АҚШ давлат секретари ва СССР Ташқи ишлар министри Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVI сессиясида ишида қатнашмоқ учун Нью-Йоркка келганида шундай музокаралар олиб бориш имконияти тугилади, деб айтди.

Шу куни Буюк Британия ташқи ишлар министрлиги АҚШ президентининг бу гапини табриклади.

АҚШ ҳукуматининг ва шахсан президент Кеннединнг шу истаги муносабати билан ҳамда Буюк Британия ҳукуматининг бу таклифларга ижобий қараганлигини ҳисобга олиб, СССР Ташқи ишлар министрлиги ўзига берилган вазифага биноан шуни айтадики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVI сессиясидаги совет делегациясига бошлиқ бориб борадиган СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ давлат секретари Д. Раск билан телефонда фикр айирбошлашга тайёр. Бу ишда Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев неча марталаб қайд қилиб ўтганидек, Совет ҳукумати томонлар музокараларга жиддий муносабатда бўладилар, ҳамда Германия сулҳ шартномасини тузиш ва шу асо Ғарбий Берлиндаги аҳволни бир тараф қилиш масаласини биргаликда ҳал қилиш йўлларини излайдилар, деб умид қилади.

АҚШ президентининг ва Буюк Британия Ташқи ишлар министрлигининг баёнотига Совет ҳукуматининг жавоби мана шу.

ЭРОН АРМИЯСИ МАЙОРИНИНГ БАЁНОТИ

МОСКВА, 14 сентябрь. (ТАСС). Эрон армиясининг майори Жалол Муртазовий сиёсий бошпана беришни сўраб Совет ҳукуматига мурожаат қилди.

Эрон офицери ўз аризасида шуни айтдики, сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги менинг илтимосим «асло шахсий илтимос бўлмасдан, балки жафокаш халқимизнинг манфаатларини кўзлаб қилинган сиёсий ишдир».

Ҳозир Эрон ўз тарихининг энг мудҳиш саҳифаларидан бирини бошидан кечирмоқда. Халқ ниҳоят даражада қашшоқлик ва муҳтожликда яшамоқда. Мамлакатни халқлар ёқасига келтириб қўйган шоҳ ва миллатга душман бўлган унсурлар эрксевар кишиларнинг ҳамма ҳаракатлари ва фаолиятларини ўта асрга хос шафқатсизлик билан бостирмоқдалар. Бузуқи ҳукуматларнинг яна ҳокимият тепасида тура бериши, Эроннинг жафокаш халқи бошига даҳшатли кулфатлар келтириши шак-шубҳасиздир.

Эрон армиясининг майори, Совет ҳукумати эълон қилган СЕНТОнинг махфий ҳужжатларини ўрганиш ўзининг шундай қарорга келишига катта таъсир ўтказганлигини айтади. Бу одамхўрлик ҳужжатларида, деб ёзади у, Эроннинг ва қўшни мамлакатлардаги кўпгина ҳаётий муҳим марказларнинг емириб ташланиши лозимлиги айтилган.

Майор Муртазовий, мана шу ҳужжатда Эрон шоҳининг Эрон халқига қилган катта хиёнатларидан бири намоён бўлди, деб ёзади.

Жалол Муртазовийнинг айтишича, унинг олий транспорт курсларида ўқимоқ учун АҚШга қилган сафари шу мамлакатнинг ҳукмрон доираларининг мақсадлари ва ниятлари нимадан иборат эканлигини яна бир марта тушуниб олишга имкон берди, АҚШнинг ҳукмрон табақалари Эронни ярим мустамлака деб ҳисобламоқдалар ва уни ўрта ва Яқин Шарқдаги ўзларининг таянч пунктларидан бирига айлантирмоқ учун бутун кучларини сарфламоқдалар ҳамда шу ифлос мақсадни амалга оширмоқ учун шоҳнинг, унинг атрофидаги кишиларнинг ва сотилган ҳукуматларнинг хоинлигидан фойдаланмоқдалар.

Сиёсий эътиқодлар нуқтаи назаридан қараганда, дейилади аризада, мен Эронни миллий мустақиллик йўлида ривожлантириш тарафдори бўлиб келганман ва менинг бу маслагим қатъийдир.

Мен, деб ёзади Жалол Муртазовий, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга муваффақ бўлган қўшни ва яқин мамлакатлардаги аҳволни ҳеч қизиқиб ўргандим ва бу мамлакатлар ўз халқларининг фаровонлигини оширш ишида ажойиб муваффақиятларга эришганликларини билиб олдим. Оқибат натижада мен, уларнинг муваффақиятлари Эрон халқига ибрат бўлиши лозим, деган қатъий фикрга келдим.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СОСТАВИДА УЗГАРИШЛАР

БУДАПЕШТ, 14 сентябрь. (ТАСС). Венгрия матбуотининг хабар беришича, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг 12 сентябрда бўлиб ўтган пленумида партиянинг раҳбар органлари составидаги ўзгаришлар тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарорга мувофиқ, Марказий Комитет аъзолари қаторига Миклош Айтаи, Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар қаторига Арпад Пуллаи сайланди; Лайош Цинеге Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди; Иене Фок ва Карой Кишш Марказий Комитетнинг секретарлари вазифасидан озод қилинди. Айни вақтда Марказий Комитет уларни давлат лавозимларига тайинлаш тўғрисида таклиф киритди: Шандор Гашпар ва Деже Немеш Марказий Комитетнинг секретарлари қилиб сайландилар.

Деже Немеш «Непсабадшаг» газетаси редколлегиясининг раҳбари вазифасидан озод қилинди. «Непсабадшаг» газетаси редколлегиясининг раҳбари қилиб Золтан Комочин сайланди.

Марказий Комитет Валерий Бенкенинг «Таршадалми семле» журнали редколлегиясининг раҳбари лавозимига тайинланганлигини маъқуллади.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 СЕНТЯБРДА

18.30 — **Қалб амри билан** (ёшлар учун ўзбек тилида). 18.55 — **Кун янгиликлари** киножурнали. 19.05 — **Эстрада концерти** (халқ демократияси мамлакатлари артистлари иштирокида). 19.35 — **Хавфли рейс** номли бадиий фильм. 21.05 — **Телевизион янгиликлар**. 21.25 — **Далада ишлаётганлар учун** (ўзбек тилида адабий-мусиқали эшиттириш).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/IX да **Травиата**, 17/IX да эрталаб **Оқнуш чўли**, кечқурун **Риголетто**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 16/IX да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим**, 17/IX да **Мирзо Улуғбек**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 16/IX да **Ошиқ Ғариб**, 17/IX да **Олтин қидирувчилар**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Ян Пицчикининг олти хил турланиши — «ВАТАН», «ИСКРА» (1 ва 2-заллар), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-20 ва 3-10 минутда).

Волга-Волга — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва кеч 9-45 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 4 ва кеч 8 да).

Биринчи синовлар (1 ва 2-серия)—«ИСКРА» (3-зала), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 6 ва 9 да), «МИР» (2-серия кундуз ва кечқурун).

Маҳаллада дув-дув гап (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-50 минутда).

Уч қават бахт — «ИСКРА» (кеч соат 8 да).

Хавфли рейс — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 да).

Биримиз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Юлдуз — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 ва 10 да), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Мяннард оиласи — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз ва кечқурун), **Инсон тақдири** (кеч соат 9-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЯ.

ЭЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Номаълум аёл — «ОКТЯБРЬ».

Мяннард оиласи — «ВАТАН», «ХЕВА».

Биринчи синовлар (1 ва 2-серия)—НАВОИЙ номли.

Оклахома (1 ва 2-серия). — «ФЕСТИВАЛЬ».

Волга-Волга (кеч соат 8-15 минутда), **Енимда бўлганингдагина** (кеч 10 да) — КАФАНОВ номли.

Биримиз — ТЕЛЬМАН номли. «УДАРНИК». «САЛЮТ».

Украин рапсодияси — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 9-45 минутда), «ПОБЕДА».

Юлдуз (кеч соат 8 да), **Хавфли рейс** (кеч 9-40 минутда) — ПУШКИН номли.

Уч қават бахт — «РАКЕТА».

Яширин жаннат — «ШАРҚ».

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет нуриниши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри Р. 01084. Нашр. Б. 218.